



## КЕНГ КЎЛАМЛИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

**Б.Т. Даминов**  
**ТошПТИ ректори,**  
**халқ депутатлари**  
**Тошкент шаҳар кенгаши**  
**депутати**

Юртимизда тиббиёт таълими соҳасида олиб борилаётган ислохотлар давом этар экан, улардан мақсад соҳа мутахассисларини тайёрлаш йўналишида аниқланаётган барча камчиликларга барҳам бериш ва тиббиётимиз мавқеини ривожланган давлатлар даражасига етказишдир. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович томонидан имзоланган «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор ҳам айнан шу мақсадни кўзлайди. Маълумки, юртимиздаги миллий тиббиёт ва фармацевтика таълимини модернизация қилиш, шунингдек соҳага халқаро стандартларни жорий қилиш, комплекс илмий тадқиқотларни аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган ҳолда олиб бориш, ёшларга маънавий ахлоқий тарбия бериш соҳасида энг самарали тизим яратиш йўналишида ишлар олиб бориламоқда.

Бугунги кун талаби эса олис ва етиб бориш қийин бўлган ҳудудларда тор мутахассисларга бўлган эҳтиёжни қоплаш, узлуксиз таълимнинг энг самарадор шакл ва мазмунини жорий қилган ҳолда ўрта муддатли вақт давомида бу соҳаларни ривожлантириш истиқболларини

белгилаш тизимини такомиллаштиришдир. Қарорда ушбу йўналишда долзарб масалалар бўйича олиб бориладиган ишлар тадбири белгиланган. Жумладан, эҳтиёж юқори бўлган тор мутахассисликлар бўйича мутахассисларни умумий амалиёт шифокорлари ичидан тайёрлашни йўлга қўйиш ва шундай мутахассислар бўйича шифокорларни соғлиқни сақлашнинг бирламчи тиббиёт санитар муассасалари учун бир йилдан кам бўлмаган муддатда бирламчи мақсадли ихтисослаштириш курсларида тайёрлашни ташкил этиш ҳақидаги чора-тадбир ижро учун киритилган.

Қарорда шунингдек тиббиёт таълими мутахассисликларида амалиёт билан интеграция жараёнини фаоллаштириш кўзда тутилган бўлиб, бунинг чора тадбири сифатида тиббиёт ва фармацевтика ОТМларида доволаш ишлари проректори лавозимини киритиш, ўқув базалари билан ишлаш бўлиминини ташкил этиш белгиланган бўлиб, шунингдек олий ўқув юртлирида анатомик морфлар, виварийлар, илмий-тадқиқот лабораториялари, симуляцион марказлар ташкил этилиши кўзда тутилган. Яна бир жиҳат, қарорда тиббиёт олий таълимида инновация, таълим ва малака оширишнинг жаҳон андозаларига хос услубларидан фойдаланишнинг кенг қамровли режаси тақдим қилинган бўлиб, унда таълимда адолат, шаффофлик каби мезонларга катта аҳамият қаратилган. Ушбу қарорда 2019-2020 ўқув йилидан

бошлаб тиббиёт ва фармацевтика кадрлари учун муаммоларга йўналтирилган модели ўқув дастурларни, семинар-конференция, вебинар маҳорат дарслари симуляцион тренинглари ва бошқа ўқитиш курсларида ҳар йили малака оширишни назарда тутувчи кредит-модулли ўқитиш тизимига асосланган узлуксиз касбий таълим тизимини жорий этиш белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий сайтида малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида таълим олувчининг мониторингини олиб боровчи «Узлуксиз касбий таълим» махсус портали яратилиши кўзда тутилган.

Шунингдек қарорда профессор-ўқитувчилар, педагогик ходимлар томонидан илмий-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий-услубий, маънавий ахлоқий ва тарбиявий ишларнинг рағбатлантирилишига алоҳида урғу берилган бўлиб, у иқтидорли ёшларнинг илм олишларига, ўз билимларини намойиш қилишларига ва илмий салоҳиятини оширишлари йўлида ҳам талай имкониятларга йўл очиб беради.

Муҳтарам Президентимиз олий таълим тизимини жамият тараққиётининг локомотиви, деб таърифлар эканлар, бу тизим ва айниқса халқимизнинг соғлиғи учун масъул кадрларни тайёрловчи тиббиёт ва фармацевтика таълим тизими ривожда юртбошимиз томонидан имзоланган мазкур қарор таълимнинг ушбу соҳалар сифатини тубдан ўзгартириш имкониятини таъминлайди.

## УСТОЗИМИЗ НАИМА МАҲМУДОВНАНИ ЭСЛАБ

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимининг турли йуналишларида раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатган, кўп қиррали олима, тиббиёт фанлари доктори, профессор Наима Маҳмудованинг ҳаёт йўли каттаю-кичик инсонлар учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Фаолиятим давомида маълум бир қийинчилик ёки муаммага дуч келганимда тўғри Наима Маҳмудовнанинг олдиларига бориб маслаҳат сўрардим. Бу инсон шу қадар бой тажрибага эга эдиларки, билмаган соҳалари деярли йўқ эди. Ҳар бир масалани, муаммонинг ечимини содда тилда тушунтириб ёрдам берардилар. Ёрдам билан мурожаат қилганларга ҳеч қачон рад жавобини бермаганлар. Наима Маҳмудовна билан суҳбатлашган ҳар бир инсон нафақат ёрдам, шу билан биргаликда руҳий қувват, маънавий озуқа ҳам олиб, иш фаолиятига яна иштиёқ билан киришиб кетарди.

Опа шу қадар кучли ирода соҳибаси эдики, бемор бўлиб касалхонада даволанаётганда (ёшлари ҳам чамаси саксонни қоралаб қолган эди) биз бир гуруҳ шогирдлари улардан ҳол-аҳвол сўраб борганимизда, «Мен анча тузукман, яқинда яна ишга қайтаман», - деб ишонч билан гапирардилар. Ҳақиқатдан ҳам Наима Маҳмудовна касалхонадан тузалиб охирги иш жойлари Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг «Жамоат саломатлигини ташкил қилиш ва бошқариш» кафедрасига ишга чиқиб келдилар. Бир гуруҳ шогирдлари ҳол-аҳвол сўраб олдиларига чиққанимизда Наима Маҳмудовна бизга «Энди уйда ўтирсам ҳам бўларди, лекин бу даргоҳнинг меҳригиёси борми, шу ёққа талпинавераман», - дедилар. Албатта, инсоннинг меҳнати қаерда кадрланса истайсанми, йўқми юрак шу томонга ошиқади. Шу билан биргаликда, бир томондан институтда, кафедрада яратилган соғлом ижтимоий-маънавий муҳит бўлса, иккинчи томондан На-

ма Маҳмудовнанинг бутун ҳаёт фаолиятининг яратувчилик, эзгу ишга бағишлаганлиги, умрининг охиригача одамларга ёрдам бериб, яхшилик улашганликлари сабабли атрофидагилар, шогирдалри опани асраб-авайлаб ҳурмат-иззатини жойига қўяётганлиги бўлса керак.

Оллоҳнинг марҳамати билан Рамазон ойида бандаликни бажо келтирдилар. Билишимча, опа умрининг охиригача бутун ҳаётини, умрининг элини хизматига бағишлаб намоз ўқишга ҳам, ҳажга боришга ҳам вақтлари бўлмади. Оллоҳнинг қудратини қарангки, Наима Маҳмудовна ҳаётини эзгу ишларга, яратувчилик ишларига баҳшида қилганлигини ажрини Оллоҳдан олиб Рамазон ойида вафот этдилар. Ҳатто, Наима Маҳмудовна боқий дунёда кета туриб ҳам бизга яхшиликнинг буюк қудратини кўрсатиб кетдилар.

*Муборак Аҳмедова  
Тошкент Педиатрия тиббиёт  
институтининг, Ёшлар билан  
ишлаш бўйича проректори.*

## ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ



9 май Хотира ва қадрлаш куни Мустақил Ўзбекистонимизда асрлар давомида ўлкамизни қаҳрамонона ҳимоя қилган, унинг эрки, мустақиллиги ва халқининг тинчлиги учун қуралган ватандошлар хотирасига бағишланган байрам сифатида нишонланади. Институтимизда ушбу санага бағишланган тадбир 7 май куни бўлиб ўтди. Унда институт раҳбарияти, фахрийлар, маҳалла фаоллари ва талабалар иштирок этдилар.

Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор М. Аҳмедова ўз сўзида 9 май Иккинчи жаҳон урушида Совет иттифоқи Германия фашизми устидан ғалаба қозongan кун эканлиги, ушбу байрам дунёнинг кўплаб мамлакатларида ҳарбий парад, мушакбозлик ва халқ сайллари билан кутиб олиниши ҳақида сўзлади. Бу кунда уруш қаҳрамонларига, катнашчиларига ҳурмат ва эътибор кўрсатилади. Ўзбекистонда 9 май Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилинган.

М. Аҳмедова шунингдек Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб меҳнат фахрийларини таклиф этиб байрам ўтказиш, меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бо-

расида тизимли ишлар ташкил этилиши анъана тусига кирганини таъкидлади.

Сўнг тадбирни юқори кайфиятда нишонлаш мақсадида институтимиз иқтидорли талабалари томонидан тайёрланган куй-кўшиқлар ижро этилди.

Гистология кафедраси профессори Э.А. Турсунов Хотира ва қадрлаш куни чинакам миллий – умумхалқ байрамига айлангани ҳақида сўзлар экан, бу куни Ўзбекистоннинг барча қабристонларидан зиёратчилар аримаслигини айтиб ўтди. Тадбирда Иккинчи жаҳон, Афғон урушида ҳалок бўлганлар хотираланди.

*А Худайбердиев*

## ЁШЛАРГА ИШОНЧ - КЕЛАЖАККА ИШОНЧ



Республикамызда ёшларга берилаётган имконият, уларга бўлган ишонч тобора ортиб бораётган бир даврда ёшларимизнинг бунга жавобан эришаётган ютуқлари бизни келажакка мустахкам замин яратишдаги ишончимизни янада оширади. Маълумки, анатомия фани тиббиётнинг пойдеворини ҳосил қилувчи фанлардан бири ҳисобланади. Шу боис талабаларимизда фанга бўлган қизиқишларини янада ошириш, билимларини мустахкамлаш мақсадида 1-босқич талабалари ўртасида кафедрада фан олимпиадаси ўтказилди. Энг юқори натижалар билан даволаш иши факультети

107-гуруҳ талабаси Орифжон Воҳидов, 2-педиатрия факультети 109-гуруҳ талабаси Муҳаммад Норов, 1-педиатрия 110-гуруҳ талабалари Гуласал Юсупова, Зуфар Холмуминов ва Нодир Гозив танлаб олинди. Юқорида қайд этилган 1-босқич талабалари 2019 йил 25 апрелда Андижон Давлат тиббиёт институтида бўлиб ўтган “Анатомия – тиббиётнинг асоси” номли I Халқаро фан олимпиадасида иштирок этишди.

I Халқаро фан олимпиадаси йирик анжуман доирасида ўтказилиб, Ўзбекистон морфологиясига ўзининг самарали ҳиссасини қўшган профессор Иброҳимжон Қосимович Қосимхўжаев хотирасига бағишланди. Фан олимпиадасида нафақат Республикамыз талабалари балки, Қирғизистон Давлат тиббиёт академияси, Ўш Давлат тиббиёт институти талабалари ҳам қизгин баҳс олиб бордилар.

Олимпиада Андижон Давлат тиббиёт институтининг Анатомия

ва ОХТА кафедраси мудири З.А. Қахаров ва кафедра ходимлари томонидан юқори савияда ташкил этилган бўлиб, 4-босқичда ўтказилди. Олимпиада жараёнида турли институт талабалари ўзаро баҳслашишди, фикр алмашишди, дўстлашишди. Талабаларимиз барча босқичларда фаол иштирок этиб, жамоа ҳисобида 1-даражали диплом билан ҳамда ҳар бир талаба алоҳида сертификат билан тақдирландилар. Талабаларимиз олимпиададан яхши таассуротлар, янги мақсад ва режалар билан қайтишди.

Талабаларни олимпиадага тайёрлашда анатомия фани профессор ўқитувчилари астойдил меҳнат қилишди. Бунга жавобан эса улар муваффақият билан ютуққа эришиб, устозлари ишончини оқлашди.

**Г.А. Примова,**  
*Патологик физиология,  
анатомия кафедраси  
катта ўқитувчиси*

## ЎҚУВЧИЛАР ҒАЛАБАСИ

2019 йил 20-27 апрель кунлари Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида кимё фани бўйича 53-Халқаро Менделеев олимпиадаси бўлиб ўтди. Ушбу олимпиадада 29 та давлатдан 170 нафардан ортиқ ўқувчи иштирок этди. Олимпиадада юртимиз вакиллари битта олтин, иккита кумуш, битта бронза медални қўлга киритдилар. Тошкент Педиатрия тиббиёт институти академик лицей ўқувчилари эришган ютуқлари лицейнинг медаллар шодасини янада бойитдилар. 3-босқич ўқувчиси Ислон Каримов олтин медаль, Улуғбек Боирбеков ва Мирумид Миракбаровлар кумуш медаль, Моҳира Болтаева бронза медалига сазовор бўлдилар. Ўзбекистон ёшлари бошқа давлат ёшларидан ҳеч кам эмасликларини, аксинча билим даражасида анча юқори эканликларини яққол намён этдилар. Бу ютуқларнинг



бош омили мамлакатимизда таълим соҳасини янада ривожлантириш, чуқур билим бериш билан биргаликда иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва уларга алоҳида эътибор қаратишдан иборатдир. Ҳар бир медал хоҳ у олтин, кумуш ёки бронза бўлмасин унинг орқасида катта

меҳнат, чуқур билим ва уларни қўллаб – қувватлаб турувчи жамоа ва ота-оналар борлигидир.

**Б.Аҳмедова**  
*Тош ПТИ қошидаги маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор муовини*



### АБДУГАНИ ИНОЯТОВДАН САВОЛЛАР...

Мазкур рубрикамизни давом эттирган ҳолда навбатдаги саволларни тақдим этамиз:

**1-Савол:** Бир куни китоб дўконига кирганимда қуйидаги сонларга кўзим тушиди: 1-270, 271-679, 680-Х.

**Диққат савол:** «Х» ўрнида қайси сон эди?

**2-Савол:** Топишмоқ. Устини ташлаб юборамиз, ичини пиширамиз. Кейин, устини еймиз, ичини ташлаб юборамиз.

**Диққат савол:** Топишмоқнинг жавоби нима?

**3-Савол:** Холид Ҳусайнийнинг «Шамол ортидан югуриб» асарида, эрта баҳорда қобуллик болаларнинг қўлларида, ингичка кесилган жароҳатлар бўлиши одатий ҳол эканлиги ёзилган.

**Диққат савол:** Бу жароҳатларнинг юзага келиш сабаби нима эди?

## ПЕДИАТРИЯ СОҲАСИДА ЁШ ОЛИМЛАРНИНГ ЮТУҚЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг сўнгги йилларда олий ва тиббий таълим соҳасидаги қарорлари ҳамда ТошПТИнинг 2019 йил 2 апрелдаги буйруғининг ижросини таъминлаш мақсадида институтимизда 3-май куни 2019 йил «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да ҳам навбатдаги анъанавий «Педиатрия соҳасида ёш олимларнинг ютуқлари» мавзусида Республика илмий – амалий анжумани ўтказилди.

Ўтган вақт оралиғида ёш олимлар томонидан институтда таҳсил олаётган иқтидорли талабаларнинг маълумотлар базаси шакллантирилди ва ҳозирги кунда 1589 нафар талабани ташкил қилмоқда. Институтда талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари, ўз билим ва кўникмаларини мустақамлашлари учун институт бўйича 47 та илмий-ижодий, маънавий-маърифий тўғарак ва клублар, 8 та турли хил “Спорт ва соғломлаштириш” тўғараклари фаолият олиб бормоқда.

ТошПТИда талаба – ёшларни илм - фанга қизиқишини ошириш, тиббиёт соҳасидаги ислохотларни янги, янада юқори босқичга кўтаришга, илмий – тадқиқот ишларга кенг жалб қилиш, иқтидор ва истеъодларини юзага чиқаришда имкон яратиш учун ҳар йили Ёш олимлар ва талабалар ил-

мий жамиятининг илмий – амалий анжумани бўлиб ўтади.

ТошПТИнинг барча кафедралари бу анжуманда ўз маъруза ва тезислари билан қатнашадилар.

Анжуманда ялпи (ялпи мажлисидаги маърузалар ҳаммаси – инглиз тилида) стенд маърузалари (стенд мажлисидаги маърузалар ҳаммаси – ўзбек, рус ва инглиз тилида) қилинади. Анжуман таклифнома, дастури ва тезислар тўплами чоп этилди. Тўпламда 489 та талабалар томонидан ёзилган тезислар чоп этилди.

Йилдан йилга талаба – ёшлар ўрасида илм - фанга қизиқиш ортиб бормоқда, бу эса талабаларни йилдан – йилга тиббиёт соҳасига бўлган қизиқишининг ортишини билдиради. Бугунги кунда талабаларнинг интеллектуал, маданий ва маънавий – ахлоқий камол топишига ҳар томонлама ривожланган ва содиқ шахсни, мустақил давлат фуқаросини, ўз Ватани фидойиси, халқ, жамият ва оила олдидаги ўз масъулиятини ҳис қилувчи, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилувчи талабаларнинг шаклланишида ЁШ ОЛИМЛАР КЕНГАШИ ВА ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ ЖАМИЯТИНИНГ АҲАМИЯТИ ЖУДА КАТТАДИР.

Ш. Абзалова.

### Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ


**ПРОФЕССОРЛАР:** Госпитал болалар хирургияси, болалар онкологияси.

**ДОЦЕНТЛАР:** Факультет ички касалликлари, ХДТ, касб касалликлари, госпитал ички касалликлари, ички касалликлари пропедевтикаси; Болалар стоматологияси; Болалар онкологияси.

**ЎҚИТУВЧИЛАР:** Ўзбек, рус ва лотин тиллари.

**АССИСТЕНТЛАР:** Тери таносил, болалар тери таносил касалликлари, ОИТС; Тиббий психология, психотерапия; Хирургик касалликлари; Эпидемиология, юқумли касалликлар; Шошинч педиатрия, халокат тиббиёти; Факультет ички касалликлари, ХДТ, касб касалликлари, госпитал ички касалликлари, ички касалликлари пропедевтикаси; Физиология; Акушерлик ва гинекология, болалар гинекология; Болалар онкологияси; 1-Госпитал педиатрия ноананавий тиббиёт асослари; Болалар касалликлари пропедевтикаси; Патологик анатомия; Гематология; Микробиология.

Танлов муддати – эълон чиққан кундан 1-ой Манзилгоҳ- Боғишамол кўчаси 223, Тош ПТИ.  
Автобуслар: 115,19ТошПТИ бекати. 2019.15.05.

 <p><b>ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ МЕХНАТ ЖАМОАСИ НАШРИ ОРГАН ТРУДОВОГО КОЛЛЕКТИВА ТАШКЕНТСКОГО ПЕДИАТРИЧЕСКОГО МЕДИЦИНСКОГО ИНСТИТУТА</b></p>	<p><b>Тахрир кенгаши:</b> Д.А. Асадов, А.В. Алимов, Х.Ф. Ҳайдаров, М. Аҳмедова, А.И. Искандаров, К. Ҳайтов, Т.С. Аъзамхўжаев, А. Валиев, А.А. Қудайбеганов, Б.М. Таджиев, С.С. Гулямов, Г. Усманова <b>Нашр учун масъул:</b> Г. Ашурова</p>	<p><b>Бош муҳаррир:</b> Б.Т. ДАМИНОВ <b>Тахрир хайъати:</b> (<i>ишчи гуруҳ</i>) Э.О. Турсунов, К.Ш. Турдиева (Бош муҳаррир ўринбосари), А.М. Маннонов, Д.А. Аҳмедова, С.А. Бегмонов, А. Носиров, З. Каримова, А. Худайбердиев</p>	<p>Газета Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармасида 29.12.2006 йил 02-0010-сон билан рўйхатга олинган.</p> <p>Манзил: 700140, Тошкент-140, Боғишамол кўчаси, 223</p> <p>Cho'iron nomidagi NMIU техник ва дастурий воситалари базасида чоп этилди. Манзил: Тошкент, 100129, Навоий кўчаси, 30. -буюртма. Адади 100 нусха.</p> <p>Газета институт ҳисобидан нашр этилади ва bepul тарқтилади.</p>
---	---	---	---